RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 28-mart, chorshanba, 13 (396)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ҒОЛИБЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш билан биргаликда мазкур соҳаларнинг истиқболини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида кўрик-танловнинг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг асосий йўналишлари бўйича Самарқанд вилоятидаги "Ургут яшил олтини" хусусий корхонаси раҳбари Зайниддин Аҳроров "Энг яхши тадбиркор", Қорақалпоғистон Республикасидаги "Тайымбет" фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров "Энг яхши фермер", Андижон вилоятидан Содиқжон Неъматов "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди ва уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — "Матиз" автомобиллари топширилди.

Ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, янги номинациялар бўйича Сирдарё вилоятидаги "Мос Ян Текс" ҳамда пойтахтимиздаги "Alubond Roison bulding technologu" корхоналари "Энг яхши экспортчи кичик корхоналар", "Андижон-кабель" эса "Энг яхши экспортчи йирик корхона", шунингдек, Тошкент вилоятидаги "ВИММ БИЛЛ ДАНН ТОШКЕНТ" корхонаси "Энг яхши инвестор" деб топилди.

Бошқа бир қатор йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Суратда: кўрик-танлов ғолиблари.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Мустақиллик иншоотлари

ШАҲРИХОНДА ЯНГИ КЎПРИК

Катта Фарғона канали Андижоннинг Шаҳрихон тумани ҳудудидан ҳам ўтади. Бу оби ҳаёт йўлини водий қишлоқ хўжалигининг йирик қон томирларига қиёслашади. Мана, ишга тушганига олтмиш етти йил бўлибдики, каналга катта-кичик ўнлаб кўприклар қурилган.

Ҳаёт шу қадар тез ривожланишини ким ҳам ўйлабди: кўчаларимизда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар, автобусларнинг адоғи кўринмайди.

Бундан ўн беш-йигирма йил аввал бир маҳаллада иккита, учта шахсий автомашинаси бор хонадон бўларди, холос. Бугун-чи, ўнтадан саккиз-тўққизта хонадон соҳибларининг ўз автомашиналари бор. Албатта, бу қувончли ўзгаришлар йўлчилар зиммасига ҳам қисқа фурсатларда йўлларни равонлаштириш, кенгайтириш: янги йўллар ва кўприклар қуриш заруратини юклаётир. Дарҳақиқат, бугун Андижон кўчаларида юрган йўловчилар беихтиёр йўлсозларга таҳсинлар ўқийди. Ҳадемай кенг ва текис йўллар ёқаларига экилган гуллар очилади, манзарали дарахтлар чирой очади. Бундай чоғларда дилингиз яйраб, манзилингиз яқин бўлганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Шаҳрихон тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси 16 километр халқаро, 42 километр республика ва 129 километр маҳаллий аҳамиятга молик йўлларга хизмат қилади. Жамоанинг 45 нафар ишчилари йўлларда транспорт ҳаракатини бетўхтов ўтишини таъминлаш, йўлларни таъмирлаш ва янги йўллар қуришдек савобли ишларни амалга оширишади. Уларнинг ўртача ойлик маошлари ҳам йил сайин ортиб бораётир. Январь-февраль ойларида йўлчилар ўртача 75-80 минг сўмдан маош олишди. Наврўз арафасида шанбаликлар ўтказилди. Йўл ёқаларига 1200 туп терак, 500 туп турли хил гул кўчатлари, 700 туп арча, 120 туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

— Бу йилги Наврўз байрами қувончларга бой бўлди, — дейди корхона раҳбари Исмоил ака Исроилов. — Андижон махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси кўприк қурилиш бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда Шаҳрихонни қўшни Қува тумани билан боғлаб турувчи асосий йўлнинг Катта Фарғона каналидан ўтган кўприк янгидан бунёд этилди. Эски кўприкнинг кўтариш қуввати паст, тор ва хавфли бўлиб қолганди. Унинг эни бор-йўғи беш ярим метр бўлгани сабабли бир ёқлама қатновни тақозо этарди. Наврўз шодиёналари арафасида канал устига эни ўн бир ярим метр, узунлиги етмиш метрли замонавий кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Юз тонна юк кўтариш қувватига эга бу иншоотни қуришда ташкилий ишларни туман ҳокимлиги зиммасига олди. Қурувчиларга барча шароитлар яратилди.

Кўприк қурилиши учун 595 миллион, бир километр масофадаги кўприкка кириш-чиқиш йўлини қуриш учун эса 291 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги қурилган йўлларнинг атрофи ободонлаштирилди. Бугун байроқлар билан безатилган янги иншоотдан бехавотир ўтаётган ҳайдовчиларнинг қувончлари чексиз.

Ҳа, кўприк қуриш замирида катта савоб ётибди. Одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Бу савобли ишни амалга оширишда кран ҳайдовчиси Умарали Йўлдошев, компрессор машинисти Ортиқали Маматов, монтажчилар Қаҳрамон Сирожиддинов, Абдулла Мамадалиев, ҳайдовчи Йўлдош Юсуповлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Янги кўприкдан туриб сокин оқаётган катта каналга нигоҳ ташлаймиз. Қуёш акси сув юзида кўзни жимирлатади. Ҳа, бу оби ҳаёт она ер бағрида етиштириладиган пахтаю ғаллага, меваю сабзавотларга барака ато этиш учун манзилга отланган.

Суратда: йўлсозлар Исмоил Исроилов ва Илҳом Мирзаев.

Дилмурод КИРҒИЗБОЕВ, "Миллий тикланиш" мухбири.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан «Миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қоракўл туман кенгаши ташаббуси билан «Истиқлолимиз берган саодат» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши томонидан «Ҳаёли қиз — маҳалла кўрки» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

Партиянинг Норин туман кенгаши томонидан «Миллий истиқлол ғояси — юрт мафкураси» мавзуида учрашув уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Зафаробод туман кенгаши ташаббуси билан «Комил инсон тарбиясида онанинг ўрни» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

Партиянинг Боғот туман кенгаши томонидан «Миллий тикланиш — келажак бахт-саодати» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Бўка туман кенгаши ташаббуси билан «Аёл омон бўлса, юрт обод» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши томонидан «Миллий қадриятлар боқийдир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши ташаббуси билан «Шеърият, маънавият ва бурч» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Жиззах туман кенгаши томонидан «Юртим тарихи» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан тумандаги бир неча мактабларда тадбирлар ташкил этди.

* * *

Партиянинг Арнасой туман кенгаши томонидан «Миллат қизлари» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Табрикни ўқиб

Юртимизга бир олам қувончу шодиёналар билан Наврўз кириб келди. Мамлакатимиз шаҳару қишлоқларида бу бетакрор миллий байрамимиз катта тантаналар билан ўзига хос тарзда нишонланди. Айём суруридан қалби шодухуррамликка тўлган юртдошларимизнинг байрамлари ярашган элимизга меҳри янада ортди. Шу азиз ватаннинг, шу бетакрор юртнинг фарзанди эканликларидан, шундай қувончу шодиёналари борлигидан қалбларида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини туйдилар.

ЯХШИ ЙИЛ НАВРЎЗИДАН МАЪЛУМ

Фасллар келинчаги баҳорнинг бу гўзал ва хуш айёми аслида уйғониш, нафосат, меҳр-оқибат байрами эканлиги билан ҳам кўнгилларимизни яшнатади. У бугунги кунларимизга келиб, айниқса, янада қадр топди. Чинакамига умумхалқ байрамимизга айланди. Бир пайтлар қадр-қиммати ерга урилиб, топталган таъна-дашномларга қолган Наврўзи оламга қайта ҳаёт бахш этилди. У қалбларимиз кўридан, байрамларимиз тўридан жой олди. Аслида бу ҳам мустақилликнинг, юртдошларимизнинг Наврўзга бўлган чексиз меҳру муҳаббатларининг, тинч-осуда кунларимизнинг шарофатидандир. Юртбошимиз яқинда Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригида қайд этганидек, ҳақиқатан ҳам, эзгу қадимий, илдизлари олис "Авесто" замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам — шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Биз Наврўзни нима учун яхши кўрамиз ва қадрлаймиз? Чунки бу байрамда ҳамма бир-бирига интилади, мурувватли халқимизнинг чин инсоний фазилатлари ёрқин намоён бўлади. Дошқозонда қайнаган сумалагу ҳалим, бошқа тансиқ миллий таомлар эл дастурхонига тортилиб, каттаю кичик ундан баҳраманд бўлади. Наврўз сайллари, кўнгилочар ўйинлар, куй-қўшиқлар юртдошларимизга завқ-шавқ бағишлайди.

Наврўзнинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Халқимиз ўзининг меҳр-оқибатини намоён айлайди. Юртбошимиз эътироф этганларидек, шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади.

Байрам кунларида шундай олижаноб ишлардан четда қолган киши бўлмади, ҳисоб. Ҳар ким қурби етганича ўз яқинларига ёрдам, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиб, уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди, дуосини олди. Дуо эса олтиндан қиммат. Айтишларича, йил бошида қилинган ҳар бир яхши ният, хайрли иш албатта, ижобат бўлгай. Буни биз шу шукуҳли кунларимизда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Жаннатмакон Ўзбекистонимиз йил сайин гуллаб-яшнаб, обод гўшага айланиб бормоқда. Қўлга киритаётган ютуқларимиз, эришаётган марраларимиз ўзгаларда ҳавас уйғотаяпти. Бу ҳам, албатта, танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан, кўзлаган мақсадларимизнинг улуғлигидан далолат.

Юртбошимиз табригида ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайлларини кексаю ёш — барча фуқароларимиз катта хурсандчилик ва кўтаринки руҳ билан ўтказаётгани мамнуният билан айтиб ўтилди.

Ҳа, Наврўз қалбларимизга олам-олам қувонч, янги орзу-ҳаваслар бахш этди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Тадбир

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқий, интеллектуал билими, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йилида бу эътибор ўзига хос мазмун-моҳият касб этмоқда.

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ўтказилган байрам кечасини ҳам ана шу эътибор намунаси дейиш мумкин. Тадбирда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган фидойи аёллар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларидан иборат бир гуруҳ хотин-қизлар, ёшлар иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими Б.Рўзиев сўзга чиқиб, айём иштирокчиларини гўзаллик ва нафосат байрами билан табриклади. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ривожи учун катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг 2006 йилдаги вилоят босқичи ғолибларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари берилди. Тадбирнинг давоми дилрабо куй-қўшиқлар билан янада серфайз ўтди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»:

ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида бир йўла икки кўргазма – "WorldFood 2007" ҳамда "AgroWorld 2007" – Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш воситалари ва ускуналарининг еттинчи ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг иккинчи халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбир ITE Uzbekistan кўргазмалар компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси каби қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Уларнинг очилишида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

"Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш воситалари ва ускуналар — WorldFood 2007" кўргазмасида мамлакатимиз ва хорижнинг озиқ-овқат, технология ва ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялари ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистон кўплаб миқдорда мева-сабзавот, гўшт-сут ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлардандир. Бу борадаги ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш учун замонавий ускуналар, уруғлик, ветеринария жиҳозларига эҳтиёж бор. Бундай жиҳозлар эса "Қишлоқ хўжалиги — Agro World 2007" кўргазмасидан ўрин олган.

Мазкур кўргазмаларни ташкил этишдан мақсад мамлакатимизнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун хориж инвестициясини янада кенгроқ жалб этишда кўмаклашишдан иборат. Кўргазмаларда Германия, Италия, Туркия, Бельгия, Исроил, Россия ва Ўзбекистоннинг жами олтмишдан ортиқ компанияси, жумладан, йигирма олтита компания биринчи марта иштирок этмоқда.

Павильонларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологик ускуналари, дўконлар ва умумий овқатланиш муассасаларига мўлжалланган жиҳозлар кўп.

Кўргазмалар йирик саноат корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермер хўжаликлари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни тадбир бошланган дастлабки куниёқ кўплаб шартномалар имзолашга киришилганидан ҳам билса бўлади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.

Партия ҳаёти

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги фаоллар йиғилишига тўпланганлар партия Марказий кенгашининг VII пленумидан, яқинда бўлиб ўтган Раёсат йиғилишидан келиб чиқадиган вазифалар, партиянинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида фикр юритдилар.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов сўзга чиқди.

ФАОЛЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

— Партиямиз ўзининг бош мақсади — миллий тикланиш йўлидан дадил қадам ташлашга, миллий қадриятларимизни тиклаш, қайта сайқал топтириш, эъзозлаш борасида хайрли ишларни амалга оширишга интилаётган экан, бунда вилоят кенгашлари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир, — деди маърузачи ўз сўзида. — Жумладан, Сирдарё вилоят кенгашининг ўтган йилдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, анчагина ибратли ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Жойларда таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, хотира кечалари, турнирлар, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, уларни меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга бағишланган турли тадбирлар ўтказилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Чиндан ҳам, Сирдарёда партиямизнинг кўплаб ишчан, ўзига талабчан, ташкилотчи, ташаббускор аъзолари борки, улар олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришга интилмоқдалар. Лекин биз бугун бошқа мавзуда — партия сафини кенгайтириш, унга энг муносиб аъзоларни қабул қилиш, партия ғояларини кенг тарғиб этиш, фаоллар сонини кўпайтириш ҳақида тўхталмоқчимиз. Шунингдек, яна бир муаммо — Марказий кенгаш ва вилоят кенгашларининг иқтисодий-молиявий аҳволи ҳақида ўйлаш, фикр юритиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш фурсати келди. Яқинда Марказий кенгаш Раёсатининг кенгайтирилган йиғилишида худди шу масала кўрилди, муаммолар ўртага ташланди.

Шунингдек, нотиқ бугунги кунда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари етакчилари давлат бюджетидан бериладиган маблағ билан таъминланганлигини айтди. Лекин сиёсий майдонда фаолият кўрсатаётган партиямиз зарур маблағнинг бир қисмини топишда ўзи ҳам ҳаракат қилиши, бу борада фаоллар, етакчилар бош-қош бўлишлари кераклигини таъкидлади.

Ўтган йили партия аъзоларининг аъзолик билетлари алмаштирилди. Баъзи вилоятлар билет ва карточка учун маблағни ҳалигача тўлагани йўқ, бироқ Сирдарё вилоят кенгашида бу масалада муаммо бўлмади. Йиғилишда сўзга чиққан Гулистон шаҳар, Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Оқолтин туман кенгашлари раислари ҳамда Мирзаобод туман кенгаши раиси ўринбосари Назокат Жангирова юқорида тилга олинган муаммолар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» етакчиси Дилбар Қобулова ўз сўзида партия сафидаги зиёли аёлларнинг саъй-ҳаракатлари билан ибратли ишлар амалга оширилаётганлиги, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида тўхталди.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, кенгашнинг ташкилий бўлим мудири Танзира Холтоева, Сирдарё вилоят кенгаши раиси Маматқул Бозорбоев сўзга чиқиб, «Миллий тикланиш» газетасига обунани давом эттириш ҳамда аъзолик бадалларини вақтида йиғиб бориш ва бошқа муҳим масалалар ҳақида фикр билдиришди.

Баҳс-мунозаралар билан ўтган йиғилиш сўнгида фаоллар келгусидаги вазифаларни белгилаб олишди.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Спорт анжумани

Қумқўрғон туманидаги 3-мактаб-интернатида "Гиёҳвандликка қарши кураш" шиори остида футбол-шоу фестивали ўтказилди.

— Тадбир ёшларимизнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлишларига эришиш, уларнинг гиёҳвандлик кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш, бундай иллатларга қарши курашиш мақсадида ташкил этилди, — деди мазкур ўқув даргоҳи директори Пўлат Зиёдуллаев. — Спорт билан шуғулланган бола бакувват бўлади, саломатлиги яхши одам эса орзуларига тезроқ эришади. Энг асосийси, спортнинг футбол турини оммалаштиришга интилаяпмиз.

Спорт фестивалида иштирок этган бир гуруҳ ЎзМТДП фаоллари ёш футболчиларга омад тилашди. Футбол-шоу ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланди. Мусобақа сўнгида ғолибларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Қарор ва ижро

КОРХОНАДА ЧОРВАЧИЛИККА ЭЪТИБОР

2006 йил 23 мартда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжат асосида Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир туманда кам таъминланган 100-200 оилага хайрия тарзида берилган моллар кўпайиб қолди. Ёш болали хонадонлар дастурхонида сут, қатиқ, ёғ пайдо бўлди. Буларнинг барчаси бевосита юқорида қайд этилган Қарорнинг қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлиқ, албатта.

Кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўлган гўшт, сут, ёғ, тухум сингари қатор маҳсулотлар сероблиги чорвачилик, паррандачилик ривожи билан боғлиқ. Соҳадаги ислоҳотларни эса унинг озуқа базаси — омухта емсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чорва моли сақлаётган оилаларни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ем билан таъминлаш, табиийки, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари зиммасига тушади. Президент Қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган корхоналар қаторида "Самарқанддонмаҳсулот" акциядорлик жамияти ҳам бор.

— Қарор қабул қилингач, кўп ўтмай Пайариқ, Оқдарё, Пастдарғом, Нуробод, Самарқанд, Ургут туманларида жами 11 та омухта ем билан савдо қилувчи шахобча очдик, — дейди "Самарқанддонмаҳсулот" акциядорлик жамияти раиси Нарзулла Ҳазратов. — Барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шахобчалар мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар сонини кўпайтириш, бошқа туманларнинг узоқ қишлоқларида ҳам савдони йўлга қўйиш ниятидамиз. Чорвачилик машаққатли соҳа. Шундай экан, уни ривожлантиришга бел боғлаганлар учун беминнат хизмат қилиш бурчимиздир. Наслчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз.

Пайариқ туманидаги Жўрабой, Пастдарғом туманидаги Навбаҳор, Самарқанд туманидаги Даштакиболо қишлоқларида жойлашган савдо шахобчаларида бўлганимизда иш яхши ташкил этилганлигига гувоҳ бўлдик.

Бир кеча-кундузда 260 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхона жамоаси чорвачиликка эътибор бериб келяпти.

— Ҳаётимиз тўкислиги нон билан, — дейди Н. Ҳазратов. — Қиш ёғинсочинли келди. Ғаллакорларимизга табиатнинг ўзи мададкор бўлаяпти. Насиб этса ғалламиз мўл бўлади. Омборларимизнинг донга тўлиши чорвачилик учун ҳам мустаҳкам озуқа базаси яратади. Ҳамма гап деҳқонларнинг меҳнатини қадрлашда, ғаллани пайҳондан сақлашда, парваришни оби-тобида бажаришда.

Ҳа, деҳқоннинг уйи ғаллага, чорвадорнинг қозони мойга тўлса, элу юртда маъмурчилик бўлади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

ҚАРШИЛИКЛАР ҲИММАТИ

Бугун Қаршининг чиройи ўзгача. Дарахтларнинг шохини безаб турган нимпушти гуллар унинг табиий ҳуснига ҳусн қўшиб, табиатни янада яшартириб, шаҳарга ўзгача шукуҳ бахш этмоқда.

Баҳорнинг суюкли байрами — Наврўзи оламнинг ташрифи дилларга бир олам қувонч бағишлади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган, ёшларнинг қалбида асрий анъаналаримизга меҳр уйғотадиган байрам шодиёнаси бошланди.

Қарши шаҳридаги амфитеатрда ўтказилган байрам тантанаси ёшу қарининг кўнглига ёруғ ниятлар олиб кирди. Навқирон айёмни ўзгача тараддуд билан кутиб олган қаршиликларнинг юзу кўзида баҳорий кайфият, эзгуликлар сари интилиш сезилиб турарди. Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ўқиган шеърлар мана шу кўтаринки руҳга монанд бўлди. Шодиёнада иштирок этган «Миллий тикланиш» партияси фаоллари ҳам дил сўзларини айтдилар. Айниқса, миллий руҳдаги куй-қўшиқлар, лапарлар даврага файз киритди.

Байрам тадбиридан сўнг партия фаоллари «Самарқанд», «Гулшан», «Рогузар», «Кунчиқар» маҳаллаларида бўлишиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олишди, уларга совғалар улашилди.

Даврон КЕСИМОВ,
ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси.

Вилоят кенгашларида

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида партия фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бошланғич ташкилотларнинг фаол аъзолари иштирок этишди.

— Партия фаолиятининг 12 йиллик тарихи давомида кўпгина хайрли ишларни амалга оширди, аҳолининг турли қатламларига миллат виждони, эзгулик тимсоли сифатида танилди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов. — Партия ҳаёти ўтган икки йил ичида тубдан ўзгарди. Бугун биз ғоявий-сиёсий қарашларни намоён этибгина қолмай, партиянинг иқтисодий-молиявий аҳволига ҳам таҳлилий муносабатда бўлмоғимиз лозим. Иқтисодий жиҳатдан такомиллашув аъзоларимиз учун кўплаб қулайликлар яратади. Бу борада Навоий вилоятида ҳам қилиниши керак бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Бу масала муваффақиятли ҳал этилиши учун фаолларнинг ҳаракати ва мадади зарур

деб ўйлайман.

Шундан сўнг партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида партия ишини юритишга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман ва шаҳар кенгашлари раислари бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар, учраётган муаммолар, уларни ҳал қилиш чоралари ҳақида гапирдилар. Партиянинг Навоий шаҳар, Учқудуқ ва Навбаҳор туман кенгашларида эътиборга лойиқ кўпгина ишлар қилингани таъкидланди. Учрашувда, шунингдек, вилоят кенгаши фаолларидан Исматулла Муҳаммадиев, Холмурод Исанов, Ўрол Санақулов ва бошқа мулоҳаза, таклифлар сўз олиб, партия фаолиятини такомиллаштириш борасидаги фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар. Фаоллар режадаги вазифаларни белгилаб олишди.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Меҳр-мурувват — улуғ фазилат

ЭҲСОН БИЛАН КЎНГИЛ ОБОД

Янгиланиш, яшариш, меҳр-оқибат байрами — Наврўз қуйичирчиқликларга ўзгача қувонч, кўтаринки кайфият бахш этди. Улар айёмни ўзига хос тарзда нишонлаш билан биргаликда олийҳиммат, саховатли кишиларнинг меҳр-мурувватларидан ҳам баҳраманд бўлишди. Кам таъминланган оилалар, моддий ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр-оқибат кўрсатилиб, кўнгли олинди.

Аслида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида Наврўзнинг бундай ажойиб тадбири илк бор ўтказилаётгани йўқ. Ўтган йилги айёмни ҳам кўпчилик яхши эслайди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан олийҳиммат кишилар савобли ишларни амалга ошириб, кўпчиликка хайр-саховат кўрсатган эди. Меҳр-оқибат бобида қилинган ишлар қуйичирчиқликларни ҳар соҳада қўлламоқда. Туман меҳнаткашлари қатор соҳалар бўйича вилоятда пешқадамлик қилишмоқда.

Анъанага кўра, бу йил ҳам тумандаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар алоҳида ҳиммат кўрсатишди. Наврўз муносабати билан ўтказилган хайр-эҳсон тадбирида улар томонидан 16 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол туҳфа этилди. Кўплаб оилаларга эса 10 тадан товуқ берилди. Бундан ташқари кимнингдир кўнглидан чиқариб бергани қайсидир оиланинг коммунал тўловларини тўлашига яради. Бошқа бировнинг эса ҳарбий хизматга шартнома асосида чақирилган фарзандининг тўловларини тўлашда асқотди. Хуллас, юзлаб оилаларга байрамда қувонч улашилди.

— Озгина қўллаб-қувватлашимиз қайсидир оиланинг даромад манбаига айланса ажаб эмас, — дейди туман ҳокими Рустам Холматов. — Энг муҳими, энди уларнинг уйида қорамоли, паррандаси бор. Дастурхонида эса сут, қатиқ, тухум муҳайё.

— Бизни қўллаганларни Яратганнинг ўзи сийласин, — дейди кам таъминланган оила бекаси Насиба Ҳайдарова. — "Сергели" фермер хўжалиги менга қорамол ҳадя этди. Оиламизга бу билан файз-барака кириб келди.

Бу — тумандаги хайр-эҳсон тадбирининг бир қисми холос. Олийҳиммат кишиларнинг саховатли ишлари тўхтаб қолмайди. Ижтимоий ҳимоя йилида тумандаги ҳимояга муҳтож ҳар бир оилага, етим-есирларга, ёлғиз қарияларга, ногиронларга меҳр-оқибат кўрсатилади.

Рустам ДОСТОН.

Ислоҳот ва самара

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар туфайли фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва ғалладан бошқа барча турдаги маҳсулотларни етиштириш, шунингдек, уларни ички бозорда сотиш ҳуқуқига эга.

МАҲСУЛОТ СОТИШНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

бозорни сероб қилади

Маълумки, пахта — стратегик маҳсулот, яъни мамлакатимизнинг асосий экспорт қилинадиган ва валюта тушумини олиб келадиган қишлоқ хўжалиги товари ҳисобланса, ғалла мамлакатимиз аҳолисининг истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулот туридан биридир. Фермер хўжаликларида етиштириладиган ушбу икки турдаги маҳсулотнинг бозори аниқ бўлиб, деҳқонлар тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномасига мувофиқ қатъий белгиланган давлат харид нархларида уларни сотади.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан пахта ва бошоқли дон маҳсулотларини харид қилиш тизими такомиллаштирилиб, уларга белгиланган давлат харид режаси йилдан-йилга камайтирилиб келинмоқда. Жумладан, 1990-1994-йилларда ширкат ва фермер хўжаликларидан бу турдаги маҳсулотлар 100 фоиз давлат буюртмаси учун харид қилинган бўлса, кейинги йиллардан бошлаб режа босқичма-босқич камайтириляпти.

Пахта хомашёсига 30 фоиз режа белгиланган ҳолда етиштирилган ҳосилнинг 100 фоизи деҳқонлардан тўлиқ давлат эҳтиёжи учун харид қилиниб, унинг режадан ортиқчасига давлат харид нархига ўртача 20 фоиз қўшилган ҳолда сотиб олинмоқда. Фермер хўжаликларидан пахта ва дон маҳсулотларини давлат эҳтиёжи учун харид қилишда икки хил нарх (давлат харид нархи ва шартномавий нархлар) белгиланмоқда. Амалдаги нарх тизими деҳқонларни юқори сифатли ва кўпроқ хомашё етиштириш, энг асосийси, маҳсулот таннархини камайтиришга бўлган моддий манфаатдорлигини таъминламоқда. Сабаби, биринчидан, давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган пахта хомашёси учун белгиланган пул маблағлари йилнинг январь-сентябрь ойларида бир неча босқичда тўланиб, фермерларнинг сотилган пахта хомашёси учун қанча маблағ олиши ва уни мақсадли сарфланишини таъминлайди. Худди шунингдек, режадан ортиқ етиштирилган пахта хомашёсининг харид (шартномавий) нархи қанча бўлиши аниқ бўлган ҳолда ундан олинган техник чигит миқдори, уни қайта ишлаш натижасида олинадиган шелуха, шрот ва ўсимлик мойига ҳам нархлар аниқ белгиланган.

Фермер хўжаликлари бугунги кунда ғалла экишдан кўпроқ манфаатдор. Сабаби, донга белгиланган харид режаси ва нархи нисбатан паст бўлса-да, аммо у кам меҳнат талаб қилган ҳолда режадан ортиқча етиштирилган дон хўжаликнинг тасарруфида қолдирилиб, уни бозорда шартномавий нархларда сотиш эркинлиги мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчи фермерлар бугунги кунда мева-сабзавот ёки полиз маҳсулотларини етиштириш ва сотишдан ҳам манфаатдордирлар. Чунки бу турдаги маҳсулотларни етиштириш ва сотиш тўлиқ уларнинг ихтиёрига берилган. Аммо мамлакатимизда бу турдаги маҳсулотларни етиштиришда маркетинг тизими шаклланмаганлиги сабабли, баъзи йилларда нарх-навонинг пасайиб кетиши натижасида деҳқонлар йилни зарар билан якунлайдилар.

Давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёсини харид қилиш тизимини янада такомиллаштириш фермерларнинг ердан самарали фойдаланган ҳолда кўп миқдорда сифатли хомашё етиштириш асосида ўз даромадларини кўпайтиришга бўлган манфаатдорликларини таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маркетингини ҳар бир ҳудудда ривожлантириш зарур. Масалан, фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини эркин сотиш мақсадида ҳудудий улгуржи бозорлар, савдо уйлари, супермаркетлар, улгуржи савдо-тижорат хусусий корхоналарини ривожлантириш, «харид қилиш-сотиш» тизимидаги сунъий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ишлари амалга оширилиши керак.

Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини (имтиёзли кредит таъминоти, автомобиль-темир йўл-самолёт ёки бошқа транспортларда маҳсулот ташишда имтиёзли тарифлар, лицензия ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатлаштириш ишларини соддалаштириш ва бошқалар) жорий қилиш асосида деҳқонлар учун янги моддий имкониятлар яратиш, маҳсулотларни суғурталаш тизимини такомиллаштириш керак.

Жонибек ФАРМОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистранти.

Хайрли ташаббус

ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши туман прокуратураси ва бир қатор ташкилот, муассасалар билан ҳамкорликда ёш қаламкашлар ўртасида "Дўстлик ғунчалари" кўрик-танловини ўтказди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Танловдан кўзланган мақсад талаба ва ўқувчилар орасидан ёш ижодкорларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Илк мусобақадаёқ бундай тадбирларни ўтказиш ёшлар учун яхши имконият эканлиги маълум бўлди.

Танловда тумандаги 2 та коллеж, 19 та умумтаълим мактабларидан 50 нафарга яқин ижодкор ёшлар иштирок этишди. Адабиётнинг икки йўналиши — назм ва насрда ёзилган юздан ортиқ ижод намуналари танлов ҳайъатига тақдим этилди. Улар орасидан фикри теран, истеъдодли қаламкашларнинг асарлари саралаб олинди. 6 нафар ёш ижодкор танлов ғолиби деб топилди. Уларга биринчи, иккинчи, учинчи даражали диплом, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Барча қатнашчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

— Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Шойим ота", "Эшниёз бобо", "Машъал" фермер хўжаликлари ҳомийлик ёрдамини кўрсатишди, — дейди туман прокурори Шавкат Турдибеков. — Бундай кўрик-танловни йилда икки марта ўтказиб туришга келишиб олдик. Истеъдодли ёшларнинг ижод намуналарини тўплаб, ҳомийлар кўмаги билан "Дўстлик ғунчалари" номли тўплам нашр этишни ҳам мўлжаллаганмиз.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АДИБНИНГ ТАРЖИМА МАКТАБИ

Рус мумтоз адабиёти ўзбек адиблари учун ҳам маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган. Буни атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижоди мисолида яққол кўриш мумкин.

"Мен қўлимга қалам олиб, рус адибларидан мадад сўраган вақтларимда, буларнинг кўпига эргашганман, лекин услубда менга ҳеч ким домла Чеховчалик таъсир кўрсатган эмас, — деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор. — Мен биринчи сабоқни Гоголдан олган эдим. Гоголдан кейин Салтиков-Шчедрин, Тургенев, Чехов... асарларига буткул шўнғиб кетган вақтларимда ҳам Гоголга тақлиддан холи эмас эдим".

Ўзбек адиби рус сўз усталарига ҳурмат-эҳтиромини устозларининг қатор асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан билдирди десак, муболаға бўлмас. Бу эса ўзига хос таржима мактабини яратишда муҳим босқич бўлди.

Абдулла Қаҳҳор моҳир ҳикоянавис сифатида Чехов асарлари таржимасига ўта масъулият билан ёндошди. Шу боис ҳам уни "ўзбек Чехови" дейишарди. "Чиновникнинг ўлими", "Семиз ва ориқ", "Буқаламун", "Нақоб", "Ёвуз ниятли киши" каби ҳикоялар қаҳҳорона услубда ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Шу ўринда А.Қаҳҳорнинг "Муборак кўзойнак" мақоласини эслаш жоиздир. "Бундан 25 йил бурун мен у кишининг (Чеховнинг –А.А.) инқилобдан олдин босилиб чиққан 22 жилдлик асарлари тўпламини қўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим, — деб ёзади адиб. — Шунда аломат бир ҳодиса рўй берди: шу билан муҳтарам устоз менга гўё муборак кўзойнакларини бердилару: "Мана буни тақиб, ўз халқингнинг ўтмишига назар сол", — дедилар".

1937 йилда Гоголнинг "Уйланиш" ва "Ревизор" комедияларининг таржимаси севимли адибимизнинг Гоголни "Биринчи домлам" деган эътирофига амалий жавоби эди.

Ёзувчининг Чехов ва Гоголь асарлари таржимасида катта муваффақият қозонишининг боиси яна шундаки, унинг ўзи рус адабиётининг ҳикоячилик мактабидан таълим олган моҳир новеллист эди. Шу боис таржимон Чеховни Чеховдай, Гоголни Гоголдай тасвирлашга, уларнинг асарларини аслига монанд тарзда ўқувчига етказиб беришга эришди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг юз йиллиги нишонланаётган бир вақтда адиб яратган таржима мактабини оммалаштириш, бу ижодий маҳоратнинг ўзига хос томонларини ёритиш айни муддаодир.

Акбар АЛИЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Истиқлол берган имкон

ШУ КУНЛАР ҚАДРИ

Ўтган асрнинг машъум 30-йилларида халқимиз бошига ёғилган балолардан жабрланмаган хонадон камдан-кам топиларди. Миллатимизнинг энг иқтидорли, илмли кишилари бўйнига "халқ душмани" деган қора тамға илиниб, отишга ҳукм қилинган ёки узоқ муддатларга қамалган. Ўша қирғинбарот қурбонларидан бири 1903 йилда Бухоронинг Шофиркон туманида туғилган Сайфулло Олимов эди. Илмга чанқоқ бу инсон Бухородаги Мадал ҳожи мадрасасида таҳсил олган. 1921 йилнинг февралидан бошлаб 8 ой Когондаги янги мактабда ўқиган, 1937 йилда Тошкентдаги курсларда ўқиб, меҳнат фаолиятини Ромитан пахта тозалаш заводининг мудири вазифасида ишлашдан бошлаган.

Ундан кейин Шофиркон туманидаги Каганович номли (Боғиафзал) жамоа хўжалиги раиси, сўнгра Бауман (ҳозирги Шофиркон) туман ижроия қўмитасининг раиси лавозимларида ишлаган.

1937 йил 11 октябрда у туман ижроия қўмитаси раиси вазифасидан олиб ташланади. Уч кун ўтиб-ўтмай, 14 октябрда "халқ душман"лари билан яқин алоқада бўлган, деган айблов билан қамоққа олинади. Гувоҳларнинг ёлғон-яшиқ гувоҳликлари билан тўқима айбловлар қўйишади. Эмишки, Сайфулло Олимов "халқ душман"лари саналган Файзулла Хўжаев, туман сув хўжалиги раиси Тоҳир Ҳожиев ҳамда қўрбошиларнинг мирзаси бўлган Ҳайит Олим билан алоқада бўлган, қулоқ қилинган домла Жума Сафаров билан яқин алоқа ўрнатиш мақсадида унинг қизига уйланган.

1937 йилнинг 30 декабрида ҳибсга олинган саккиз киши қатори Сайфулло Олимовга ҳам ҳукм ўқилади. Суд ҳукмига кўра, у ўн йил озодликдан маҳрум этилади.

Яқин қариндошларининг суриштируви билан 1941 йил 3 июнда гувоҳларнинг кўрсатмалари қайта текширилади. Яна янги кўрсатмалар пайдо бўлади, гўёки С. Олимов жиноятининг "янги қирра"лари очилади: "1934 йилда Зикир Шароповнинг уйида Файзулла Хўжаев, Ибодулла Хўжаев ва С. Олимов иштирокида аксилинқилобий кенгаш бўлган. Бу кенгашда совет-ларга қарши қуролли қўзғолончилар гуруҳини тузиш муҳокама қилинган".

Орадан йиллар сувдек оқиб ўтди. Оқни қора деган билан у қорайиб қолмас экан. 1968 йилнинг 14 июнида Бухоро вилоят суди президиуми қарори билан Сайфулло Олимов оқланди. Оқланганлиги тўғрисидаги хат — ана шу бир парча қоғоз яқин қариндошлари қалбидаги кемтикликни тўлдириб, сўнгсиз армонларини унуттира олармиди?! Улар ҳақиқат жуда кеч бўлса-да юзага чиққани учун Яратганга шукроналар айтишди, бироқ кўнгил экан-да, фарзандлари ҳамон умидларини буткул узолмай йўл қарашарди, гўё оталари илгариги каби от миниб кириб келадигандек...

— Отамни олиб кетишганда мен тўққиз ёшда, синглим Умрия эса эндигина олтига кирган, онамиздан касаллик туфайли жуда эрта ажралган эдик, — дея хотирлайди Сайфулла Олимовнинг ҳозирда 78 ёшни қаршилаган ўғли Сайфиддин бобо кўзларига ёш олиб. — Бир куни эрталаб уйғонсам, ҳамма ёқ ағдар-тўнтар, сандиқ ланг очиқ, кўрпа-тўшаклару кийим-кечаклар ёйилиб ётарди. Отамнинг китоб-дафтарлари турадиган хонада аллақандай қоғозлар сочилган, отам кечқурунлари мук тушиб ўқийдиган қалин-қалин китоблар негадир кўринмас, бувим (Сайфулла Олимовнинг онаси) эзилиб йиғлаб ўтирарди. Шунда мен бошимизга қандай оғир кулфат ёғилганини тушуниб етган эдим. Чунки бундай воқеа тез-тез кўп хонадонларда юз берар, жуда ёш бўлишимизга қарамай, ўша замоннинг муҳити биз болаларни ҳам эрта улғайтириб қўйган эди. Ўша кундан бошлаб, кўчага чиқишга ҳадиксираб қолдим. Менга ўхшаганларни ҳар дамда бир кўнгилсизлик кутиб туришини жуда яхши билардим.

Синглим иккаламиз отамнинг укалари Сафар амаким ва Қандолат янгамнинг қўлларида қолдик. Бахтимизга янгам фаришталек аёл эди, бизни ўз фарзандлари қатори оқ ювиб-оқ тарарди. Бувимиз фарзандининг шум тақдирига куя-куя, бу фоний дунёни тарк этиб кетди. Биз кунни тунга, тунни эса тонгга улаб, отамнинг қайтиб келишини кутардик. У кишидан бор-йўғи иккита хат келди, холос. Биринчиси, 10 йилга қамалганлари ҳақида эди. Ўша пайтлари Сафар амаким фарзанд кутаётгандилар. Бу ҳақда отам ҳам хабардор бўлсалар керак, хатда: "Сафаржон, агар фарзандинг қиз туғилса, исмини Озода, ўғил бўлса, Эркинжон қўйинглар. Яхши ният — ярим давлат, зора, мен озодликка чиқиб кетсам", — дея илтимос қилгандилар. Илтимосни бажонидил қабул қилган амаким фарзандига Озода деб исм қўйди.

Иккинчи хат Финляндиядан жўнатилган бўлиб, унда ёғоч кесувчиларга бригадир эканликлари ҳақида ёзгандилар. Шундан сўнг уруш бошланиб кетди ва биз отамдан бошқа ҳеч қандай хат-хабар ололмадик.

Отам қамалмасидан олдин туман марказида яшардик. Сув хўжалиги раиси Тоҳир Ҳожиев қўшнимиз эди. Отам икковларининг жуда кўп суҳбатларига гувоҳ бўлганман. Бирор марта улар ўртасида мен тушунмайдиган, сиёсат ҳақида ёки мавжуд бўлган тузумга қарши айтилган бирор-бир сўзни эшитмаганман. Уларнинг суҳбатлари кундалик ишларидаги оддий таассуротлар, ҳазил-мутойиба руҳида бўларди.

Отам ёлғиз қолган пайтларида кўпинча бадиий китобларни ўқишни севардилар. Бизга ҳам ўқиб берар, янги чиққан китоблардан сотиб олиб берардилар. Қолаверса, онам билан бизни кинотеатрларга олиб борар, баъзида Бухоро шаҳридаги мусиқали драма театрига ҳам етаклаганлари кўз олдимда турибди.

Кўринишидан анча салобатли бўлганлари билан табиатан жуда соддадил, болажон эдилар. Биз болаларга варраклар ясаб бериб, отда сайр қилдиришдан завқланардилар.

Илгариги одамлар ўта содда бўлишганми, билмадим, ким бўлишидан қатъий назар, фалончи халқ душмани экан дейилса, ишонаверишган бўлса керак, бизнинг оилага ҳам нафрат кўзи билан қарайдиган, ҳатто тўй-маъракаларга ҳам чақирмайдиган, кўрганда қўлларини бигиз қилиб кўрсатадиган бўлишди. Бизга ачинадиганлар ҳам бор эди, албатта, бироқ баъзи бир диёнатсиз кимсалар уйимизга келиб, ёлғондан, отанг биздан қарздор эди, дея хоҳлаган буюмни кўтариб кетаверишарди. Қисқа фурсатларда Сафар амаким яшайдиган қишлоқдаги ҳовлимизни шип-шийдам қилиб кетишди. Амаким ва биз қанчалик ғазабланмайлик, тишни тишга қўйиб чидашга мажбур эдик.

Ошкора таҳқирлашлар, беҳисоб хўрликларга қарамай, менда илм олиб, муаллимлик касбини эгаллаш иштиёқи кучли бўлган. Билимимга ишонар эдим, лекин институтга яқин йўлатишмади. Қаерга борсам, "халқ душманининг ўғли" деган тавқи лаънат йўлимга ғов бўлаверарди. Шу таҳлит барча орзуларим елга соврилиб, умримнинг кучғайратга тўла, униб-ўсадиган даври сарсонгарчиликда ўтиб кетди. Отам оқланганларида эса қирқ ёшдан ошиб қолгандим, ёшликдаги иштиёқим ҳам сўниб бўлган эди. Бирибир негадир мактаб мени ўзига чорлайверарди. Қўлимда диплом бўлмагач, то нафақага чиққунимга қадар ушбу даргоҳда хўжалик мудири вазифасида ишладим...

Сайфиддин бобонинг армонларга йўғрилган хотираларини тинглар эканман, ўша суронли йиллар беҳисоб чизиқ тортган юзларидаги ажинлар янада чуқурлашгандек туюлди. Мунгли кўзларидан сизиб чиқаётган томчилар ўша ажинлар оралаб тўлиб-тўлиб оқар, нима деб таскин беришга тилим лол эди. Айни дамда ҳеч бир таскин унинг кўнгил яраларига малҳам бўлолмасди.

Шаҳзода ҲАКИМОВА.

Қадрият

ЖАҲОН БЎЙЛАБ КЕЗАР НАВРЎЗИ ОЛАМ

Наврўзи олам неча асрлар мобайнида кўпгина Шарқ давлатларида — Марказий Осиё, Эрон, Озарбойжон ва бошқа ҳудудларда улуғ байрам сифатида нишонланиб келинади. Бу айёмнинг келиб чиқиши ва байрам қилиниши тўғрисида бир неча тарихий воқеалар, афсоналарни эшитганмиз. Зардўштийлар динининг ривоятларига кўра, яхшилик худоси Хурмуз баҳор ва ёзда, ёмонлик худоси Ахриман куз ва қишда ҳукмронлик қилар эмиш. Шунинг учун баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худоси ёмонлик худосидан ғолиб чиққан муқаддас кун деб аташган. Уни алоҳида байрам сифатида нишонлаганлар. Бу сана эса "Наврўз", яъни "Янги кун"га айнан тўғри келар экан.

Ҳар йили кўклам келиши билан юртимизда байрам қилинадиган Наврўзнинг бошқа халқларда қандай нишонланишига ҳамма ҳам қизиқса керак. Шу мақсадда қадимда ва бугунги кунда Эронда Наврўз қандай байрам қилиниши тўғрисида ҳикоя қилишга ҳаракат этдик. Буюк саҳобий Салмон Форсий: "Биз эронликлар даврида "Худо бандалари учун ёқут зийнатини Меҳржонда юзага чиқарган, деб бу икки кунни бошқа кунлардан ортиқ кўрар эдик", — деб ёзади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида шундай ёзади: "Эронликлар йилларни кабисали қилаётган замонларда тўрт фаслни ойлар орқали билар эдилар, чунки (фасллар билан ойлар) орасидаги аҳвол бир-бирига яқиндир: "Фарвардин моҳ" — ёз боши, тир моҳ — куз боши, меҳр моҳ — қиш боши, дий моҳ — баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) кунлари бор эди. Кабиса бекор қилингач, у (ҳайит)ларнинг вақти ўзгарди. "Фарвардин моҳ" — бу ойнинг биринчи куни Наврўздир. Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади".

Бу байрамни ҳар бир халқ ва миллат вакиллари ўзига хос тарзда нишонлайдилар. Эронликлар бу кунни кўтаринки руҳда, завқ-шавққа тўлиб кутиб оладилар. Наврўз 13 кун кетма-кет байрам қилинади. Шу муносабат билан 20-24 мартгача, яъни беш кун расмий дам олиш куни деб эълон қилинган. Байрам бошланишида қариндошлар, ошна-оғайниларникига меҳмонга борадилар, бир-бирларини байрам билан табриклайдилар. Ҳар бир хонадонда "Суфрайэ ҳафт син" дастурхони тузалади, яъни бош ҳарфи "С" (тўғрироғи "син") билан бошланадиган етти хил нарса дастурхонга қўйилади. Булар сикке (танга), сиб (олма), сабзий (кўкатлар), сиркэ (сирка), санжид (жийда), саману (сумалак) ва симоқ (ўсимлик). Дастурхоннинг юқори қисмига Қуръон, нон, ойна, шамдон ва бир косадан сув қўядилар.

Эронлик аёллар бу байрамда сумалак учун буғдой ундиришади ва тухумларни пишириб, бўяшади. Янги йил киришидан бир неча дақиқа олдин мусулмонларнинг муқаддас китобини дастурхонга ҳар хил таомлар ва ширинликлар билан бирга қўядилар. Аёллар Қуръондан оятлар ўқий бошлайдилар. Кейин китоб орасига пул қўядилар, у пул қоғоз ёки танга бўлишидан қатъий назар янги бўлиши шарт бўлган. Кейин улар болалар ва яқин қариндошлар ўртасида бўлиб берилади.

Деярли икки ярим минг йилдан бери давом этиб келаётган бу қадимий байрамни бугунги кунда эронликлар баҳорнинг биринчи тенг кунлиги сифатида байрам қилишади. Ўзбекистонда бўлганидек, Эронда ҳам Наврўз табиатнинг уйғониш ва яшариш куни сифатида шодиёна қилинади.

Шаҳноза АЗИМОВА,
Тошкент ислом университети "Шарқ тиллари" кафедраси форс тили ўқитувчиси.

СПОРТ

Пойтахтимиздаги «Саёҳат» меҳмонхона мажмуида 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шашка бўйича Осиё чемпионати мусобақаси ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон, Тожикистон, Туркия, Эрон, Монголия, Ҳиндистон каби давлатлардан 120 дан ортиқ ёшлар иштирок этмоқда. Мусобақа иштирокчиларининг 30 нафари юртимиз вакилларидир.



Даврон АҲМАД олган суратлар.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

ДУНЁГА МАШҲУР ҚОҒОЗ

Маълумки, қадимий ва гўзал Самарқанд VIII аср бошларига келиб ҳунармандчилик ва савдо маркази сифатида донг таратган эди. Айниқса, унинг турли навдаги қоғозлари минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўрта Осиёдагина эмас, яқин ва ўрта Шарқда, шунингдек, Европада ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Зеро, бу кўҳна шаҳар VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмида яқин ва ўрта Шарқда қоғоз ишлаб чиқарувчи бирдан-бир йирик марказ бўлганлигини тарихчилар ёзиб қолдиришган.

Қоғоз тайёрлашнинг иккинчи маркази IX асрда Бағдод, X аср охиридан эса Қоҳира бўлди. Бағдодлик ва мисрлик қоғозсозларнинг устози самарқандлик усталар эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.



Швецариялик шарқшунос олим А. Мецнинг эътироф этишича, ўша даврда Бағдод, Қоҳира, шунингдек, Европада ҳам қоғоз ишлаб чиқарилганига қарамай, Самарқанд ўз қоғозининг сифатлилиги, айниқса, нафислиги билан алоҳида ўрин эгаллаган. Бундай маҳсулотга талаб катта бўлганлигини қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди. Бундан ўн аср аввал ўтган Миср вазири Абул Фадл ибн ал-Фурат ўзининг китоб кўчирувчи хаттотлари учун ҳар йили Самарқанддан қоғоз келтириб беришни буюрар экан. Вазир вафотидан сўнг, унинг кутубхонасидаги китобларнинг маълум қисми бир мисрлик олимга қолган. Яхши қоғознинг танқислигидан бўлса керак, олим китоб варақларидаги хат ёзилмаган бўш жойларидан ёзиш учун фойдаланган. "Самарқанд султон қоғози" ва "Самарқанд шойи қоғози" деб аталган қоғоз навларининг, айниқса, бозори чаққон эди. Чунки бу қоғозлар ниҳоятда нафис, юмшоқ ва силлиқлиги билан ажралиб туради.

Қоғозларнинг ранги ҳам бир неча хил бўлган. Оч сариқдан тортиб то жигарранглигачагача бор эди. Оқ ёки оқиш рангдагиси олий нав қоғоз саналган. Самарқанд қоғози ёруққа тутиб қаралса, унинг ичида оқ халқасимон белги кўринади. Бу XVI асрнинг бошларида яшаган самарқандлик машҳур қоғоз устаси Мир Иброҳимнинг муҳри эди. Бундай қоғозларга фақат Ўрта Осиёда эмас, ҳатто яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларидаги қоғоз усталарининг ҳам ҳаваси келарди.

"Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар", — деб ёзган эди Бобур Мирзо. — Жувози қоғозлар Суйи талом Конигилдан келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурки, бу қора сувни обираҳмат ҳам дерлар".

Самарқанднинг чет бозорларга, айниқса, Россия бозорига XIX асрнинг биринчи ярмида чиқарган маҳсулотлари ичида қоғоз муҳим ўрин эгалларди. Россияда эса бу қоғозга талаб катта эди.

XVI–XIX асрга оид вақф ҳужжатларидан маълум бўлишича, қоғоз ишлаб чиқарувчи усталарнинг бир қисми Самарқанд мадрасалари, жумладан, Улуғбек мадрасаси ихтиёрида бўлиб, мадраса бундан катта даромад қилган.

Қадимий Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга катта тараддуд кўрилаётган бир вақтда қоғозсоз усталарнинг бу ажойиб фаолиятини фахр билан тилга олса арзийди.

А.АЛИЕВ
тайёрлади.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

МАҲАЛЛАДА ТЎЙ

Қадимий ва гўзал байрамимиз Наврўзи олам Ватанимиз ҳудуди бўйлаб кенг нишонланаётган бир пайтда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ЎзМТДП Тошкент шаҳар Чилонзор туман кенгаши томонидан эзгу ишга қўл урилди. Шу куни тумандаги Ал-Хоразмий маҳалласида ўтган Наврўз байрами шодиёнаси кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларига уланиб, қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Дастурхон атрофида йиғилган маҳалладошлар дилдан суҳбатлашишди. Дастурхонга баҳорий таомлар, сумалак, ош тортилди.

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари М. Ибрагимова, Чилонзор туман кенгаши раиси И. Буважонов, маҳалла раиси Ҳафиза Йўлдошева сўз олиб, самимий тилакларини билдиришди. Шундан сўнг суннат тўйи ўтказилаётган болаларга эсдалик совғалари топширилди.

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳомийлик қилган тадбирда миллий анъана ва қадриятларимиз эсга олинди. Байрамона куй-қўшиқлар йиғилганлар дилига хушнудлик бағишлади.

Нуржаҳон АВАЗОВА,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Тадбир

ЁЗУВЧИГА ЭҲТИРОМ

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори аҳолининг, айниқса, юртимиз келажаги бўлмиш ўқувчи ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, улар онгида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, ёш авлодни етук ва баркамол қилиб тарбиялашда зиммамизга масъулиятли вазифаларни юкламоқда.

Шу маънода эртанги кунимиз, истиқболимиз ёшлар билан ўтказилаётган очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг самараси ва натижасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Учқўрғон туман кенгаши томонидан 21-умумтаълим мактабида атоқли ўзбек ёзувчиси, сўз заргари Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик таваллудига бағишлаб адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан адиб ҳаёти ва ижодини акс эттирган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Тадбирда «Миллий тикланиш» демократик партияси Учқўрғон туман кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати М.Жўраев бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчиларга туман партия кенгашининг эсдалик совғаларини топширди.

Т.ҲАКИМОВ,
Учқўрғон туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Жамият ва қонун

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, орамизда нопок йўл билан мўмай даромад олишни ўзларига касб қилиб олганлар ҳам учраб туради. Ана шундайларнинг иккитаси яқинда ўтказилган рейд пайтида аниқланди.

Бўлимимиз ходимлари томонидан "Пахта банк"нинг туман бўлимидаги валюта айирбошлаш шахобчасида таҳлил ўтказилди.

Бошқарувчи А.Зоҳидов ва назоратчи-кассир М.Зияевалар олдиндан тил бириктириб, жами 15.000 АҚШ доллари айирбошланганлиги тўғрисидаги сохта сертификатларни тузиб, жуда кўп миқдорда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганликлари аниқланди.



Масалан, 5000 АҚШ доллари фуқаро С.Тошбоевага, 5000 АҚШ доллари М.Каримовга, 5000 АҚШ доллари эса Х.Ҳосиловларга тегишли бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан бўлимимиз ходимлари томонидан "Пахта банк"нинг Паркент бўлими бошқарувчиси ва назоратчи-кассирга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Н.АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК департаменти Тошкент вилояти Паркент туман бўлими тезкор ходими.

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ШИФОКОР

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиникада ишлаб келаётган отоларинголог Нилуфар Сахаевани кўпчилик қўли енгил шифокор деб эъзозлайди.

— Нилуфархон 28 йилдирки шу касбда ишлаб, беморларнинг дардига шифо топиб келмоқда, — дейди поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева. — Жамоамиз орасида у ўз ишига талабчанлиги, хушмуомалалиги билан бошқалардан ажралиб туради. Қулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволашда унинг иш тажрибаси қўл келади. Дардмандлар унинг ёрдамидан доим мамнун бўлишади.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Мерос

АСРЛАР ҚАЪРИДАГИ НУР

Тарихдан маълумки, улуғ аждодларимиз ақл машъалидан таралган ёғду Шарқ Ғарбни забт этгани инсоният томонидан кўп бора эътироф этилган. Шундай улуғ алломаларимиздан бири Абу Али ибн Синодир. Қомусий олим сифатида таърифланадиган бу зот 300 га яқин асарлар ёзиб қолдирган.

Улар ичида «Тиб қонунлари» ва «Китоб ашшифо» асарлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу китоблардан астрономия, геология, физика, адабиёт, фалсафа, биология ва географияга оид илмий мулоҳазалар ўрин олган. Бобомиз ибн Сино ёзиб қолдирган ноёб маълумотлар бугунги кун учун ҳам беҳад аҳамиятлидир. Орадан асрлар ўтса-да, олимнинг нодир мулоҳазалари ўз қимматини йўқотмаган.

Масалан, Ибн Сино ернинг геологик тарихи ҳақида ёзар экан, ернинг ҳозир инсон яшайдиган қисми ўтмиш замонларда ҳеч ким яшамайдиган жой бўлиб, денгиз сувлари билан кўмилиб турганлиги, тоғларда тошларнинг кўплигига сабаб, олдин улар денгиз остида бўлиб, сўнг сувдан кўтарилган ва лой орасида қолиб кетганлиги, текислик ва тоғликдан иборат қуруқлик устини аста-секин денгиз босиб, сўнгра текислик лойга айланганлиги, тоғлардаги оралиқ эса қатламлар чўкиндисидан ҳосил бўлганлигини айтиб ўтади. Бундай ҳодисалар ҳозирги геология фанида трансгессия ва регрессия (бурмаланиш ва чўкиндилар тўпланиши) деб аталади ҳамда Ибн Сино фараз қилганидай таърифланади. Олимнинг иқлим, атмосфера ва метерологик элементлар тўғрисидаги изоҳлари ҳам илмий нуқтаи назардан жуда тўғри. У ҳавонинг таркибини мураккаб, ҳақиқий ҳаво (водород, кислород), сув буғлари, чанг, дуд ва олов бўлаклари (углерод) аралашмасидан иборат деб билган. «Бизни ўраб турган ҳавонинг ерга яқин қисми кўпроқ исийди. Ердан баландроқ қисми эса совуқроқ бўлади. Экваторнинг ўзи энг иссиқ жой эмас. Энг иссиқ жойлар экватордан шимолроқда — шимолий тропик доирасига яқин жойдадир. Кеча ва кундуз ичида ҳам энг иссиқ вақт аср намозидан кейинроқ. Шунингдек, энг иссиқ ой июнь эмас, балки июлга тўғри келади», — деб ёзган эди Ибн Сино. Ҳозир фанда ҳам иқлим ҳосил қилувчи омиллар айнан шу тахлитда изоҳланади. Демак, бу изоҳ ўша даврдаёқ фан қоидалари қаторига киритилган экан.

Тарих — улуғ мураббий. Буюк аждодлар ёдини муқаддас тутиш, улардан қолган ноёб меросни асраб-авайлаш биз авлодларнинг бурчимиздир.

Ихтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Машҳур кишилар ҳаётидан

Шота Руставелига кўринган йўлбарс

Грузин халқининг улуғ шоири ҳамда мутафаккири Шота Руставели XII асрнинг биринчи ярмида туғилиб, XIII асрнинг биринчи ярмида вафот этган. У ёшлигида ота-онасидан етим қолади. Ҳаёт қийинчиликларини бошидан ўтказган Шота бир куни ўзини Кура дарёсига ташлаб, ўлмоқчи бўлади.

Жарликдан ўзини сувга ташламоқчи бўлиб турган болани подшоҳнинг отаси кўриб қолади. У Шотани уйига олиб келиб, ўзининг ёлғиз қизи Тамара билан бирга тарбия қилади. Улар бирга катта бўлишади ва бир-биридан ҳеч вақт ажралмасликка аҳду паймон қилишади. Эндигина учқун ола бошлаган муҳаббат ўтини ўчиришга ҳаракат қилганлар икки ёшни ажратиб юборишади.

Шота туғилган ватанидан қувғинга учраб, Арабиядан паноҳ топади. Ўзга элда юрган Шота кўп азоб-уқубатларни бошидан ўтказади. Агар бизгача етиб келган ривоятларга ишонсак, Шота Руставели ўзининг машҳур "Вепхисткоасани", яъни "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достонини ёзаётганида ажойиб туш кўрган экан. Тушида соқолли белига тушган оқ соқолли қария келиб, Шотани уйғотиб, қўлидан етаклаб, ташқарига олиб чиқиб: "Ўғлим, сенинг ватанинг — Грузия. Ўзга элда юрсанг ҳам, ўз ерингни унутма! Бу йўлбарс сенинг ота-бобонг, ота-онангнинг руҳи, бу сени бало-қазодан, ёмонликдан асрайди. Ёнига бор, қўрқма!" — деб уни ғойибдан пайдо бўлган ёввойи ҳайвонга томон итаради. Тишлари катта, ириллаган йўлбарс Шотага яқинлашади. Йўлбарсдан чўчиган йигит орқасига чекинади. Шу пайтда оқсоқол унинг қўлига қоғоз ва қалам беради. Чўчиб уйғонган шоир кўзини очганда, ўзини уйда эмас, тонг нурига чўмилган далада турганини кўриб ҳайрон қолади. Қўлида қоғоз ва қалам... Тушида кўзига кўринган йўлбарс руҳига илҳомланиб Шота Руставели "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достонини кўтаринки руҳда ёзишга киришади. Тушида совға қилинган, ўнгида қўлида бўлган қаламни Шота ўла-ўлгунча сақлаган. Достондаги Тариэль билан Нестан Дареджнинг муҳаббати Шота ва Тамаранинг соф муҳаббати асосида ёзилган.

Грузин халқида Шота Руставели бошқа қўшиқ-достонларни ёзишда ҳам шу хосиятли йўлбарс руҳига сиғиниб, ғойибдан тушган хосиятли қалами билан ижод қилган деган ривоят бор.

Ҳа, Шота Руставелига кўринган йўлбарс руҳи ҳам қудратли тилсим, дунёнинг бир томчи суви бўлса ажаб эмас.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

«ГАМЛЕТ» ЯНА САҲНАДА

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамизда томошабинларга тақдим этиладиган спектакллар репертуар режасини ишлаб чиқди. Унда мумтоз асарларни ҳам саҳналаштиришга эътибор қаратилди. Унга кўра машҳур инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг "Гамлет" асари Садриддин Айний номидаги Бухоро давлат мусиқали драма театри томонидан саҳналаштириладиган бўлди.

— Бу биз учун билдирилган катта ишонч, — дейди театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Убайдулло Бақоев. — Шу сабабли актёрларимиз ўз ижрочилик маҳоратларини ишга солиб, "Гамлет"ни ўзига хос талқинда тайёрлашга киришдилар.

Акбар АЛИЕВ.

Байрам туҳфалари

Чилонзор туманидаги "Олмазор" маҳалласида ўтган байрам шодиёнаси ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан бошланди.

Ҳашарга чиққан ёшу қари йўлак ва ариқларни тозалаб, дарахтларни оқлашди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди. Маҳаллада яшаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ўзгалар кўмагига муҳтож кишилар, қариялар йўқланди. Шу куни ош дамланиб, тўкин дастурхон тузалди. Айниқса, Муқимий номидаги мусиқали драма театри санъаткорларининг чиқишлари кечага ўзгача шукуҳ бағишлади.

– Маҳалламизда жойлашган айрим ташкилотлар, саховатпеша кишилар ҳамиша бизга ҳиммат кўрсатишади, – дейди маҳалла оқсоқоли Одилжон Маҳмудов. – Улар учун тайёрланган совға-саломлар ҳам айнан хомийларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Қобил ҲИДИРОВ.

Боболаримиз насиҳатларидан

ДЎСТЛАР ВА ТЕНГДОШЛАР МУОМАЛАСИ

Дўстсиз киши — қўлсиз киши. Бу ҳикматга амал қилган одам ҳамиша дўст орттириш ва содиқ дўстларни қўлга киритиш пайида бўлади. Эй ўғил, дўстларинг ва тенгдош биродарларинг билан одоб юзасидан муомала қилки, дўстлик ипининг узилиши бахтсизликка йўлиқиш билан тенгдир. Дўстларинг ва тенгдошларинг сенга ширин муомала қилсалар, ҳар лаҳзада амалда меҳру муҳаббатларини изҳор қилиб турсалар, бу сенга ёқадими? Сен ҳам уларга нисбатан доимо муҳаббатли бўл, ўзингга раво кўрмаган ва ёқтирмаган нарсаларингни уларга ҳам раво кўрма. Дўстлар аввало, бошига иш тушганда синовдан ўтади. Демак, дўст бирор нарсага муҳтож бўлса, кўмакка шошил, ҳолидан хабар олиб, кўнглига далда бер. Икки орадаги муҳаббат ана шундай пайтда ошади. Бироқ дўстларинг бирор нолойиқ ишга қўл урсалар, улардан айрилиб қолмай деб, ёмон ишда шериклик қилма. Уларни қаттиқ туриб бу йўлдан қайтар, насиҳатингни аяма. Уларнинг фалокатга дучор бўлишларига йўл қўйма.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

АНТИҚА ИХТИРО

Франциялик 45 ёшли авточилангар Ги Негрэ ҳавода юрадиган машина двигателини яратди.

Негрэ двигатели 300 километрлик масофани атмосферада сиқилган 90 кубометрлик ҳаво ёрдамида 110 километр тезликда босиб ўта олади. Бунинг учун ҳайдовчи чўнтагидан бор-йўғи 0,75 евро сарфлайди, холос.

Ихтирочининг антиқа кашфиёти асосида MiniCAT деб номланган автомобиль ишлаб чиқарилади, унинг нархи ўрта ҳисобда 11-15 минг АҚШ доллари бўлиши мумкин.

ТЕЗ ЁРДАМ 15 ДАҚИҚАДАН КЕЧИКМАСИН

«Новости-Грузия» ахборот агентлигининг хабар беришича, кейинги йилларда мамлакатда тез тиббий хизмат турини ривожлантириш учун катта миқдорда маблағ ажратилган

Грузия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири Владимир Чипашвили тез тиббий ёрдамга беморлар томонидан чақирув бўлганидан сўнг 15 дақиқадан кечиқмай етиб бориш мажбуриятини юклади. Тезкорликни оширишга керакли шароитлар яратиш ва техника воситалари билан таъминлаш учун тайёргарликка шу йилнинг 1 сентябригача бўлган муддат белгиланган.

ДЎСТИНГ ДЎСТ БЎЛМАСА ГАР...

Босниялик бизнесмен дўстларининг вафодорлигини синайман деб, ўз умрига зомин бўлай деди. Градиска шаҳрининг бой кишиларидан бўлган 45 ёшли Амир Вехабович ёлғондан ўзини вафот этди деб эълон қилди ва дўстларига мотам маросими учун таклифнома юборди.

У тобутнинг бир четини тешиб, таъзияга келганларни кузатишга қарор қилганди. Буни қарангки, маросимга онасидан бошқа ҳеч ким келмади.

Бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ таъсирланган бизнесмен қабрга кўмилганини ҳам пайқамай қолди. Яхшиямки, ёнида уяли телефони бор экан. Уни лаҳаддан қутқариб олишгач, «Мен шу ҳолда ўлишга ҳам рози эдим, ахир, бундай дўстлар билан яшашдан не наф?!», дебди у.

ХОРИЖГА ЧИҚУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Россияликларнинг Таиландга визасиз ташрифини амалга ошириш ҳақидаги келишув кучга кирди. Ўз ўрнида таиландликлар ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлдилар.

Статистик маълумотларга кўра, ўтган йили 200 мингдан ортиқ россиялик Таиландга ташриф буюрган. Эндиликда икки томон фуқаролари визани расмийлаштирмай, фақат чет эл паспорти бўйича 30 кунгача бўлган муддатда Россияда ёки Таиландда яшаши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛАСИЗМИ?

- ***Денгиз юлдузи ўз ошқозонини ташқарига чиқариши мумкин.***
- ***Каламуш энг узоқ вақт сувсиз юра оладиган жонзот ҳисобланади.***
- ***Бегемотлар сув остида дунёга келади.***
- ***Орангутанглар юзага келаётган хавф ҳақида олдиндан хабар беради.***
- ***Юмронқозиқ бир кечада 76 метр туннел қазиши мумкин.***
- ***Чувалчангнинг тишлари 25 мингга яқин холос.***
- ***Нил дарёсидаги тимсоҳлар туфайли ҳар йили 1000 дан ортиқ инсон ҳалок бўлади.***
- ***Туяқушнинг тухумини қайнатиш учун 4 соат вақт кифоя холос.***
- ***Сҳерлар галасида ўлжанинг 90 фоизини урғочи шерлар топиб келади.***
- ***Ялқов (ҳайвон) умрининг 75 фоизини уйқуда ўтказади.***
- ***Колибри (қуш) юра олмайди.***
- ***Австралияга келган европаликлар маҳаллий қабилалардан "Мана бу сакраб-сакраб юрувчи ғалати ҳайвон нима?" деб сўрашган, улар эса "Кенгуру" дея жавоб беришган. Бу сўз "Тушунмаймиз", деган маънони англатади.***
- ***Ўтхўр ҳайвондан йиртқич ҳайвонни фарқлашнинг энг осон йўли: йиртқичларда кўзлар ўз қурбонини кўриш учун юзининг олд томонида жойлашган бўлади, ўтхўрларда эса юзининг икки четида — ўз душманларини кўриш учун.***

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Мурувватли дўст — улуғ хазина.

* * *

Озига шукур қилсанг, кўп келур.

* * *

Кулгу умрга умр қўшади.

* * *

Ортиқча мол — ортиқча ташвиш.

* * *

Ибратни яхшидан олган яхши.

* * *

Ростлик дўст орттирар, ёлғон — душман.

* * *

Ҳусн ҳусн эмас, одоб ҳусн.

* * *

Шошганнинг иши унмас.

* * *

Сабр — умрбод хазина.

* * *

Ироданинг ҳосили — шодлик.

* * *

Ёшлик ўктам бўлса, қарилик кўркам келади.

* * *

Олға босиш осон, орқага қайтишга эса ақл керак.

* * *

Одамнинг ҳусни — инсоф.

* * *

Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди.

* * *

Саломатликнинг қадри беморликда билинади.

М.Улуғбек туманидаги "ZIYO NURI-ILM" хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар бўйича бир ой муддат давомида қуйидаги телефонга мурожаат қилиш мумкин: 160-50-87.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Маҳфуза Қамбаровага жияни **Мансуржон ПАРПИЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан ЎзМТДП Марказий кенгаши чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1423. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2384 Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6 Босишга топширилди 20.40